

«Дунё» ахборот агентлиги сайти, 2021 йил 22 май.
https://dunyo.info/ru/site/inner/posol_hamid_nayrobadi_iran_virazhaet_gotov_nosty_uchastvovaty_v_proektah_pravitelystva_uzbekistana_napravlennih_na_uluc_hshenie_ekologicheskoy_i_sotsialyno-ekonomicheskoy_situatsii_v_regione_aralyskogo_morya-wZ6
«Ўзбекистон 24» телеканали, 22 май.

**Эрон Ислом Республикасининг
Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси
Ҳамид Наййирободийнинг
«Дунё» ахборот агентлиги ва «Ўзбекистон 24» телеканалига берган
интервьеси матни**

Ассалому алайкум!

Сўзим бошида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош ассамблеяси томонидан Орол денгизига оид резолюциянинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон ҳукумати ва халқи, хусусан Ўзбекистон Республикасининг муҳтарам ва севимли Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийларини табриклашга ижозат бергайсиз.

Шунингдек, ушбу суҳбатни амалга ошириш мақсадида бу ерга ташриф буюрган сиз ҳурматли журналистларга миннатдорчилик билдираман.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мамлакат мустақилликка эришган пайтдан бошлаб Орол денгизи ҳамда Оролбўйи минтақасидаги вазиятни яхшилашга қаратилган кўплаб саъй-ҳаракатларни амалга ошириб, турли ташаббусларни олдинга сурди. Шавкат Мирзиёев президентлиги даврида ушбу саъй-ҳаракатлар ва чора-тадбирларнинг янги босқичи бошланди. БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст фондига асос солиниши ушбу муҳим чора-тадбирлар жумласига киради. БМТ Бош ассамблеяси томонидан Эрон ҳам ҳаммуаллифларидан ҳисобланган Орол денгизи минтақасини экологик инновация ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюциянинг қабул қилиниши эса Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан амалга оширилган муҳим чора-тадбирлардан яна бири ҳисобланади.

Ушбу резолюциянинг эътиборли жиҳатларидан бири шуки, олтмишта давлат ҳаммуаллифлигида тайёрланган мазкур резолюция бир овоздан қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида атроф-муҳит муҳофазаси масаласининг аҳамияти ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг атроф-муҳит муаммоларига бўлган эътиборини кўрсатади. Ўтмишда атроф-муҳитга нисбатан бўлган айрим шафқатсизликлар тўғрисида биламиз. Бугунги кунда ҳам ер қуррасининг турли нуқталарида табиат ва атроф-муҳитга нисбатан нотўғри муносабатнинг

гувоҳи бўлиб турибмиз. Бундай муносабатнинг товонини бизнинг ўзимиз ва келажак авлодларимиз тўлаймиз.

Орол денгизи бўҳрони ва унинг натижасида келиб чиқадиган экологик муаммолар минтақадаги барча мамлакатларни ўз таъсир доирасига олган бўлиб, масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, глобал миқёс ва аҳамият касб этган. Шунга кўра ушбу муаммо барча мамлакатлар ҳамда минтақавий ва трансминтақавий ташкилотларнинг хоҳиш-иродаси ва саъй-ҳаракатларини талаб қилади.

Эронда Хоразм денгизи номи билан машҳур бўлган Орол денгизи бир неча жиҳатдан биз учун аҳамиятлидир. Биринчидан, Эрон шимоли-шарқининг айрим қисмлари ушбу денгиз ҳавзасида жойлашган бўлиб, унинг сақланиб қолиши биз учун экологик аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари Орол денгизининг аста-секинлик билан қуриб бориши ҳавода чанг-ғуборларнинг пайдо бўлишига олиб келиб, ушбу чанг-ғуборлар минтақадаги барча мамлакатларга ёйилмоқда. Биз мамлакатларимизнинг иқтисодиёти ва халқларимизнинг соғлига таҳдид қилаётган ушбу муаммога нисбатан эътиборсиз бўлмаслигимиз керак. Бундан ташқари Орол денгизи ва Оролбўйи минтақаси биз учун тарихий-маданий аҳамиятга ҳам эга. Биз ушбу минтақани унутилмаслиги керак бўлган муштарак цивилизация ва кадриятлар ўчоғи деб биламиз ҳамда уни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни юксак қадрлаймиз.

Худди шу нуқтаи назардан Эрон Ислом Республикаси шу кунга қадар Оролбўйи минтақаси ривожига турли шаклларда ёрдам бериш ишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан Эрон компаниялари Қорақалпоғистон Республикасининг турли шаҳарлари ва туманлари, масалан Нукус шаҳрида сув таъминоти иншоотларини қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишган бўлса, эронлик экспертлар Орол денгизи ва Оролбўйи минтақаси муаммоларига бағишланган халқаро конференцияларда ўзларининг, жумладан, сув ресурсларини бошқариш тўғрисидаги ғоялари ва таклифлари билан иштирок этиб келишмоқда. Эрон Урумия кўли ва бошқа сув манбаларини қайта тиклаш бўйича муаян тажрибаларга эга бўлиб, ушбу тажрибаларни Ўзбекистон билан бўлишиши мумкин.

Умуман олганда, Орол денгизини сақлаб қолиш биз учун бир неча жиҳатдан аҳамиятга эгадир. Шунга кўра, биз Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Орол денгизини қайта тиклаш ва Оролбўйи минтақасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга қаратилган ташаббуслари ва лойиҳаларида иштирок этишга тайёрлигимизни билдираемиз.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мамлакатда аккредитациядан ўтган элчиларнинг Орол денгизини бориб кўришлари, ўта

муҳим бўлган ушбу экологик муаммо билан яқиндан танишишлари учун алоҳида бир ташриф дастури ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таклиф қиламан.

Эътиборингиз учун катта раҳмат.